Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir



O`zbekistonda sog`liqni saqlash
Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 16 апрель • №15 (1347)

*Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!*

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

***Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига ихтисослашган тиббий хизматни яқинлаштириш, тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, айниқса, аҳолига маҳаллабай тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.***



Мазкур устувор вазифаларни бажаришда мунтазам ўтказилаётган тиббий кўриклар, ижтимоий акцияларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу ишларнинг давоми сифатида мамлакат бўйлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида саломатлик акцияси ўтказиб келинмоқда. Дастлаб Наманган вилоятида, кейин Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида, ҳозирда эса Самарқанд вилоятида давом этмоқда. Мазкур йирик акция ҳудудларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг ижро ҳолатини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва “темир дафтар”га киритилган аҳолига юқори технологик замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкиллаштирилмоқда. 329 нафар малакали тиббиёт ходимлари, жумладан, вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари, пойтахтдаги тиббиёт олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг раҳбарлари, шунингдек, маҳаллий шифокорлар иштирокида олиб борилаётган акция доирасида Самарқанд вилоятида аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг саломатлик ва касалланиш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, гуруҳларга бўлинишининг тўғри олиб борилишини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва “темир дафтар”га киритилган аҳоли орасидан юқори замонавий тиббий ёрдамга муҳтож беморларни танлаб олиш, зарур мутахассислар жалб этилган ҳолда жойларда амалий тиббий ёрдам кўрсатиш каби ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу кенг қамровли ишларни амалга ошириш учун Самарқандга йўл олган эпидемиолог, терапевт, невропатолог, анестезиолог, болалар анестезиологи, реаниматолог, педиатр, онколог, дерматолог, оториноларинголог, акушер-гинеколог, уролог, хирург, офтальмолог, кардиолог, эндокринолог, травматолог, фтизиатр, пульмонолог, нейрохирург, нарколог, нефролог, аллерголог, гематолог, инфекционист каби мутахассислар маҳаллабай кесимда текширувлар ўтказишмоқда. Ногиронлиги бўлган ва бошқа муҳтож шахслар протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланмоқда. Шунингдек, акция давомида бир қанча жарроҳлик амалиётлари олиб борилмоқда. Хусусан, буйрак трансплантацияси, эндопротезлаш, юракка стент ўрнатиш каби энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари тиббий кўрсатмага қараб, вилоят ёки пойтахтимиздаги энг нуфузли муассасаларида бепул амалга оширилиши мўлжалланган. Вилоятнинг Пайариқ туманида ҳам 4000 нафарга яқин фуқаро текширувдан ўтказилди ва уларнинг 42 нафарида вилоятнинг ўзида жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди.



— *Врачлар кўрсатмаси билан зарур муолажаларни олиб юргандим. Аҳволим оғирлашавергач, 2019 йилда ўнг чаноқ сон бўғимида жарроҳлик амалиётини ўтказишга мажбур бўлдик,* **— дейди Закия Умирова.** — *Ҳозир ўнг оёғимда ҳеч қандай муаммо йўқ, бемалол ҳаракатлана оламан. Бироқ чап оёғимни эндопротезлаш жарроҳлик амалиёти учун имкониятим етмасди. Юртимизда шундай хайрли ишлар бошланибди, эшитиб юрардик, мана, ўзимиз ҳам улардан баҳраманд бўляпмиз. Президентимиз эътибори хонадонимизгача кириб келганини ҳис қилиб турибман. Шифокорлар чап чаноқ сон бўғимимда эндопротезлаш жарроҳлик амалиётини ўтказишга тайёрлашмоқда. Яқин кунларда йиллар давомида қийнаб келган дарддан халос бўламан, деб шукроналар қиляпман.*

►Эслатиб ўтамиз! **Айни вақтда қарийб 4 миллион нафар аҳолига эга бўлган Самарқанд вилоятида жами 1105 та МФЙ, 711 минг 214 та хонадон бор.**

*Ҳамкорлик*

# ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

**Самарқанд давлат тиббиёт институти томонидан таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш, тиббиётга замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологиялар, энг янги ютуқларни қўллаган ҳолда, хорижнинг тиббиёт соҳасидаги таълим муассасалари билан биргаликда юқори малакали профессорлар, илм-фан мутахассисларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашишлари мақсадида дунёнинг етакчи таълим муассасалари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келиняпти.**

Бугунги кунда Россия Федерациясининг қатор тиббиёт университетлари ва илмий-текшириш институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорликда интеграл маърузалар, амалиёт семинарлари, илмий ишлар тақдимотлари ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча Россиянинг И. Мечников номидаги Шимоли-Ғарбий давлат тиббиёт университетидан бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар Самарқанд давлат тиббиёт институтига ташриф буюришди. Шимоли-Ғарбий давлат тиббиёт университетининг патологик анатомия кафедраси мудири, “Генлар ва моддалар” журнали бош муҳаррири, профессор Роман Деев ва шу кафедра катта ўқитувчиси Михаил Мавликеев Самарқанд давлат тиббиёт институтида ташкил этилган халқаро илмий-амалий семинар ҳамда академик мобиллик дастурларида иштирок этишди.

Ташриф давомида профессор Роман Деев Самарқанд давлат тиббиёт институти ўқитувчилари, ёш олим ва талабалари учун “Янги коронавирусли инфекцияда ўпкалар патологик анатомияси: реактивлик ва нафас йўллари эпителияларининг генерацияси», “Ичак эпителийси гистофизиологияси нормаси” мавзуларида маъруза қилди. Академик мобиллик доирасида педиатрия ва стоматология факультетлари талабалари учун гистология фанидан ҳамда даволаш факултети талабалари учун патологик анатомия фанидан маъруза ўқишди.




**Дўстона муҳитда ўтган учрашувда Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори Жасур Ризаев ва россиялик профессор Роман Деев таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакатда ҳам тиббиётга оид инновацион янгиликларга йўл очувчи ва ушбу жараённи тезлаштирувчи юқори малакали мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлашга туртки бўлишини эътироф этдилар.**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти матбуот хизмати**

*Жойлардаги ислоҳатлар*

# ИШ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

**Янгиқўрғон тумани маданият марказида Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова раислигида семинар тарзидаги маҳорат дарслари ташкилланди.**



Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаларининг раҳбарлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосарлари, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктларининг мудирлари, бош ҳамширалар иштирок этган мазкур семинар мавзуси шу йилнинг 1 апрель куни давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар, уларнинг ижросини қай тартибда амалга ошириш ва соҳадаги долзарб вазифаларга қаратилди.

Эльмира Баситханова вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати, тизимда олиб борилаётган ислоҳотларнинг тадбиқ этилиши, “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этиш жараёнлари ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Айниқса, бирламчи тиббий -санитария муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, тиббий хатлов жараёнлари ва уларнинг кейинги босқичлари, оила шифокори ва патронаж ҳамшираларнинг вазифаларини аниқ тушунтириб берди. Жумладан, бирламчи тизим раҳбарларига ўзининг ҳудудидаги “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилганларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида аниқланган, саломатлигида муаммоси борларнинг рўйхатини алоҳида шакллантириш ва уларга мақсадли ёрдам кўрсатиш лозимлигини уқтирди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жумладан, маҳаллалардаги “Саломатлик мактаб”ларида тарғибот - ташвиқот воситаларидан унумли фойдаланиш ҳақида ҳам қимматли маслаҳат ва тавсияларини берди. Оила шифокорининг иш режасини шакллантиришда қайси омиллар ғоят муҳим эканлигини тушунтирди. Қишлоқ ва маҳаллаларда, чекка ва олис ҳудудларда мобиль бригадаларни ташкиллаш ва аҳолини ихтисослашган тиббиёт марказларга юборишда оила шифокорининг йўлланмаси ғоят муҳимлигини таъкидлади. Тиббиёт ходимларининг касбий малакаларини мукаммаллаштириш, тиббий хизмат жараёнларини электронлаштириш, коронавирусга қарши эмлаш жараёнларида одамлар билан муомала маданиятини тўғри йўлга қўйиш зарурлигини қайд этди..

- *Бугунги семинар ишларимизнинг янада унумдор ва тартибли бўлишида асқотади,* **- деди Мирзаолим Парпиев.** - Чунки, вазир ўринбосари бирламчи тизимга оид барча масалаларни аниқ мисоллар билан тушунтириб берди. Ишни тизимли ташкил этишда нималарга эътибор беришимиз кераклигидан тортиб, бемор билан бўладиган мулоқотгача берган ўринли тавсиялари биз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

**Дарҳақиқат, бундай семинарлар бугуннинг ўзида Уйчи ва Наманган туманларида ҳам ўтказилди. Уларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдилҳоди Иминов иштирок этди.**

**Манзура ЭРГАШЕВА.**

*Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!*

# ЭНДИ МЕН ҲАМ ЎЗ ОЁҚЛАРИМ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН

***"Президентимиз эътибори бизнинг хонадонимизгача етиб келди", — дейишмоқда эндопротезлаш амалиётини бошдан кечирган самарқандлик беморлар.***

“Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида Самарқандда ўтказилаётган саломатлик акцияси доирасида вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож 148 нафар фуқароларда турли хил жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши кўзда тутилган. Биргина травматология йўналиши бўйича эндопротез мосламасига эҳтиёжманд бўлган 35 нафар фуқарода жарроҳлик операциялари ўтказилиши белгиланиб, дастлабки амалиётлар бошлаб юборилди.



*— 2015 йилда йиқилиб, оёғимдан жароҳат олгандим,* **— дейди 45 ёшли тайлоқлик Акбар Очилов.** *— Аввалига ўтириб-туришда қийналган бўлсам, кейинчалик бировнинг ёрдамисиз ҳатто юролмайдиган бўлиб қолдим. Бунинг устига соғлигимдаги бу ўзгариш мени жуда қийнай бошлади. Даволанишимнинг биргина йўли жарроҳлик амалиёти орқали эндопротез мосламасини ўрнатиш эди. Бу мослама чет элдан келтирилар ва бу амалиёт учун қўлим калталик қилиб турган эди. Энди ҳеч қачон юролмасам керак, деб ўйлардим.*

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган саломатлик акцияси доирасида шифокорлар беморни барча тиббий кўриклардан ўтказиб, ўнг оёғига эндопротез мосламасини ўрнатишди. Ҳозирда Акбар Очилов ўзини жуда яхши ҳис этаяпти.

Бу каби беморлар жарроҳлик амалиётларидан сўнг ҳам малакали мутахассислар назоратида бўлиб, соғлиқларини тиклаб олишларига кўмак берилмоқда. Иштихон туманида туғилган 59 ёшли Закия Умирова ҳам кўп йиллардан буён оёқ оғриғидан азоб чекар эди. Йил сайин оғриқ кучайиб, юриш қийинлашиб бораётган эди. Унга шифокорлар икки томонлама кўксартироз ташхиси қўйилганди. 29 ёшли Зулайҳо Алиқуловага сонларнинг туғма чиқиши – "икки томонлама кўксартироз 3 даража" ташхиси қўйилганди, Пастдарғом туманида яшовчи бу фуқарода ҳам саломатлик акцияси доирасида ўнг чаноқ сон бўғимида тотал эндопротезлаш операцияси ўтказилди. Ҳозирга қадар эндопротез мосламасига эҳтиёжманд бўлган 35 нафар фуқародан 13 нафарида жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажарилди.

*— Бизни ҳам ўйлайдиганлар бор экан, минг раҳмат, давлатимиз ғамхўрлиги натижасида мен каби имконсиз аҳволдаги беморлар дардига дармон топилмоқда. Мана секин-аста юраяпман. Қувончим ичимга сиғмаяпти. Энди мен ҳам барча сингари ўз оёқларим билан, мустақил ҳаракат қиламан. Одамнинг қўли калта бўлса, дарди оғирлашганда кимдан нажот кутишни билмай қоларкан. Дуоларимиз даргоҳига бориб етганига шукр,* **— дейди Зулайҳо Алиқулова.**

*— 18-20 йилдан буён оёқларимдаги нуқсон туфайли эркин ҳаёт кечира олмас эдим,* **— дейди Шоҳида Тўхтаева.** *— Мана “темир дафтар”га киритилиб, давлат ҳимоясига олиндим. Миллионлаб маблағ талаб қилинадиган жарроҳлик амалиётлари ҳам бепул амалга оширилиб, яна қайта оёққа турдим. Шифокорларимизга раҳмат, бир-икки ой ичида тўлиқ тузалишимни айтишмоқда. Яна соғлом ҳаётга қайтаётганимдан хурсандман.*

**Таъкидлаш жоизки, акция давомида эндопротезлаш амалиётлари билан бирга буйрак трансплантацияси, юракка стенд ўрнатиш каби энг мураккаб ва ноёб жарроҳлик амалиётлари тиббий кўрсатмага қараб, вилоят ёки пойтахтимиздаги энг нуфузли тиббиёт муассасаларида бепул амалга оширилиши мўлжалланган.**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

*Жасорат*

# ЗАРБДОРДА 102 ЁШЛИ МОМО ЭМЛАНДИ

**Жиззах вилоятида ҳам коронавирусга қарши эмлаш ишлари изчиллик билан давом этмоқда. Дастлаб фақат Жиззах шаҳрида олиб борилган бўлса, ҳозирда вилоятнинг барча туманларида биринчи навбатда эмланадиган аҳолининг эмлаш ишлари бошлаб юборилган.**



Айни пайтда вилоят бўйича жами 11514 нафар киши эмланди. Шу кунгача эмланганлардан вакцинанинг ножўя таъсири ҳақида шикоятлар тушмади. Яқинда Зарбдор туманидаги Оқар МФЙ, Баҳор кўчасида яшовчи 1919 йилда туғилган Суймахол момо Зулимова ҳам эмланди.

*— Болам, жон ширин экан, мана, мен 102 ёшга кириб эмландим. Дўхтирлар доимий ҳолимдан хабар олиб туради. Ножўя таъсирини сезмадим. Илоҳо, юртимиз доим тинч, юртбошимиз омон бўлсин. Бу балою офатлардан тезроқ халос бўлайлик,* **— дейди Суймахол момо дуога қўл очиб.**

**Вилоятда эмлашнинг аҳамияти ҳақида ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда.**

**Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш**
**бошқармаси Ахборот хизмати.**

*Ўрнак бўлаётганлар*

# НЕВАРАЛАРИМ СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ ВАКЦИНА ОЛДИМ

**Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманидаги “Жанггоҳ” маҳалласида истиқомат қилувчи 71 ёшли Қадира Анварова бутун республикамизда ўтказилаётган оммавий эмлаш жараёнларида фаол иштирок этиш учун ҳудуддаги оилавий поликлиникага келди.**

– Аввалига вакцина олайми йўқми, деб иккиландим. Сўнгра невараларим соғлиғи, ўзимни соғлиғим учун вакцина олишга хоҳишим билан чиқиб, вакцина олдим. Кексалари улуғланган юртда бизларга кўрсатилаётган эътибор ва эътирофдан жуда мамнунман.

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва**
**жамоат саломатлиги хизматининг**
**Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

*Хотира уйғонса гўзал*

# ФАОЛИЯТИ ТАҲСИНГА САЗОВОР ЭДИ…

**Абдулла Маткаримович Худайбергенов 1959 йилда Тошкентдавлаттиббиёт институтини қизил диплом билан тугатиб, Мўйноқ туман шифохонасида шифокор-хирург, Қорақалпоғистон Республикаси Республика шифохонасининг хирургия бўлими мудири, бош шифокори Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ваЎзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири лавозимларида ишлаган. Икки марта Олий Мажлис депутати бўлган.**

Бу лавозимларда ишлаган вақтларида халқ соғлиғини сақлаш соҳасида салмоқли ишларни амалга ошириб келган. Ўзининг бутун фаол умрини хирургия соҳасига бағишлади ва бу соҳада тиббиёт фанлари доктори, профессор унвонларига эга бўлди. 1986 -2005 йилларда академик В. Воҳидов номли Республика Хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида институтнинг илмий салоҳиятини юқори даражаларга кўтаришда фидойиларча меҳнат қилиб, ҳаётининг охиригача марказнинг қизилўнгач меъда - ичак бўлимида катта илмий ходими вазифасида фаолият юритиб қанчадан-қанча беморлар ҳаётини сақлаб қолди.

Эътирофлиси шундаки, Абдулла Маткаримович замон талаби билан ҳамоҳанг юрадиган, ташаббускор олим ва ташкилотчи эди. Устознинг ташаббуси билан 1992 йилда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ташкил этилди ва 25 йил мобайнида профессор Абдулла Худайбергенов ушбу ассоциацияга раислик қилиб, бу борадаги фаолиятларни тўғри йўлга қўйиб, самарали ишларни амалга оширди.Тинимсиз меҳнат ва ташкилотчилик маҳоратини ишга солиб, Ўзбекистон врачлар ассоциациясини нафақат республикамиз, балки нодавлат ташкилотлари, шунингдек,бутун дунё ҳамда Европа давлатларининг тиббиёт ассоциациялари қаторида энг обрўли ва эътиборли уюшмалардан бирига айлантирди. Абдулла Маткаримович раҳбарлигида Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг 14 та худудий, 13 та тор ихтисосликдаги бўлимларида ассоциациянинг ўттиз беш минг нафар аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Шу давр ичида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси нуфузли хорижий ташкилотлари, жумладан Жаҳон тиббиёт ассоциацияси ва Европа тиббиёт ассоциацияларининг форумига аъзо бўлди. Абдулла Маткаримовичнинг бевосита ташаббуси ва бошчилигида Европа тиббиёт ассоциациялари ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Форуми илк бор Марказий Осиё минтақасида айнан Тошкент шаҳрида 2016 йил 10-12 март кунлари ўтказилди. Дунёнинг энг таниқли тиббиёт арбобларининг фикрича, Форум ўтган йилларда ўтказилган шу каби анжуманлар орасида ташкилий ва илмий-амалий жиҳатдан энг юқори савияда ўтказилган йиғилиш, деб тан олинди.

Устозимиз Абдулла Худайбергеновнинг бевосита ташаббуси билан 1995 йилда «Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени» журнали таъсис этилдива у 22 йил давомида «Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени» журналига бош муҳаррирлик қилиб, уни республикамиз шифокорлари ҳамда олимлари тан олган салмоқли илмий-амалий журналига айлантирди. Шунингдек, Ўзбекистон врачлар ассоциациясида 2010 йилдан бошлаб масофавий таълим йўналиши ташкил этилди, мустақил экспертиза маркази тузилди, этика ва фахрий врачлар қўмиталари фаол ишлади.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис хузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг бир неча бор ижтимоий буюртмалари ва грантлари амалиётга жорий қилинди.



Профессор Абдулла Худайбергеновнинг меҳнатлари хукумат раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиб, давлатимизнинг учта энг нуфузли орденлари билан мукофотланди.Ўз касбининг фидойиси бўлган Абдулла Маткаримович катта сулоланинг энг обрўли вакили ҳамда истеъдодли мутахассис сифатида кўплаб шогирдларнинг меҳрибон устозига айланган эди. Бир сўз билан айтганда таниқли профессор тизим йўналишида ўзига хос тиббиёт макатабини яратиб, соҳада фаолият юритаётган барча шогирдларига ибрат бўлди.

Устознинг оиласини шифокорлар сулоласи десак ҳам бўлади. Абдулла Маткаримовичнинг қизи Замира Фозилова, ўғли Шухрат Худайбергенов ота касбини улуғлаб айни кунда халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келишмоқда.

**Бугунги кунда профессор Абдулла Маткаримовичнинг бошлаган ишлари унинг сафдошлари ва шогирдлари томонидан изчил давом эттирилмоқда. Абдулла Худайбергенов Ўзбекистон тиббиётининг барҳаёт сиймосига айланган инсон. Биз учун қадрли бўлган устозимиз қалбларимизда мангу барҳаётдир.**

**Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Президиум аъзолари.**

*Наманган тажрибаси*

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТЛАР САМАРАСИ

**Президентимиз аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиш ўтказди.**

Унда “Республика ихтисослашган марказларнинг вертикал иш тизимини такомиллаштириб, уларни оилавий шифокор пунктлари билан боғлаш зарур”... *“Бу борада Наманган тажрибасини кенгайтириб, барча беморларни пойтахтга юбормасдан, уларга яшаш жойида ихтисослашган тиббий ёрдам олиш имкониятини яратиш керак-лигини”* **алоҳида таъкидлаб ўтдилар.**

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази шошилинч тиббий ёрдам кафедраси ходимлари т.ф.д., профессор Фарид Алиджанов ва т.ф.н., доцент Рашид Мадиев бошчилигида ҳамда РШТЁИМ Наманган филиалидан малакали хирурглар Шавкат Саидметов, Илхом Хўжамбердиевлар билан биргаликда Наманган вилояти Учқўрғон ва Косонсой туман субфилиалларида “темир дафтар”га киритилган аҳолига катламига амалий тиббий ёрдам кўрсатилиб, бир қатор мураккаб ва юқори технологик операцияларни амалга оширилди, беморларни тиббий кўриги ўтказилди. Жумладан, жигарнинг гигант эхинококкози диагнози билан – жигар эхинококкэктомияси, гигант операциядан сўнгги чуррани кесиш, аллопластикаси, лапароскопик холецистэктомия, ингичка ичак резекцияси + холецистэктомия -симультан операциялари муваффақиятли бажарилди. Бундан ташқари шошилинч тиббий ёрдам тизимида фаолият юритаётган врачларни билимини ошириш мақсадида маърузалар ўқилди, савол-жавоб тарзида очиқ давра суҳбати ўтказилди.



**Мутахассислар кўмагида апрель ойи давомида Наманган вилоятининг барча туманларида худди шундай амалий ёрдам, юқори технологик, мураккаб операцияларни олиб бориш, мастер класслар ўтказилиши давом эттирилади.**

# ЎПКАДА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

***Япониянинг Киото университети шифохонаси шифокорлари COVID-19 туфайли келиб чиққан пневмония асоратларидан азият чекаётган беморга биринчи ўпка трансплантациясини ўтказишди. Бу ҳақда NHK news телеканли хабар бермоқда.***

Кўкрак қафаси хирургияси бўлими директори, профессор Дате Хироши ходимлар билан матбуот анжумани ўтказди. Маълумот берилишича Кансай минтақасида яшовчи аёл ўтган йил охирида коронавирус билан касалланганидан кейин унда оғир пневмония ривожланган ва 11 соат давомида операция қилинган. У юрак ва ўпка функцияларини алмаштирадиган ЭКМО аппаратлари ёрдамида даволанди ва натижада вирусга салбий таъсир кўрсатди. Аммо у фиброз туфайли ўпканинг асосий функцияларини йўқотди, яъни ўпканинг тикланишига умид қолмаган эди. Шифокорлар беморга унинг турмуш ўртоғи ва ўғлининг ўпка бўлимларини кўчириб ўтказдилар. Аёл айни пайтда реанимация бўлимида даволанмоқда. Шифокорларнинг айтишича, агар бемор соғайишни давом эттирса, у уч ой ичида тўлиқ тикланиши мумкин. Турмуш ўртоғи ва ва ўғлининг ҳам аҳволи қониқарли.



**Япон олимлари дунёда биринчи марта коронавирус билан касалланган беморга ўпка тўқимасини трансплантациясини ўтказганликларини даъво қилишмоқда. Ушбу ўпка трансплантацияси коронавирус билан касалланганидан кейин жиддий оқибатларга олиб келган одамларни даволашнинг истиқболли усули бўлади.**

**Xabar.uz**

*Журналист нигоҳи*

# БИР ЖОНУ БИР ТАН БЎЛИБ ЭЗГУ

***Маълумки, бутундунё ҳамжамиятини ташвишга солган SARS-CoV-2 (Covid) пандемияси мамлакатимиз аҳолисини ҳам четлаб ўтмади. Мазкур пандемиянинг юртимизга кириб келиши барчамизни хавотирга қўйди. Лекин давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати туфайли ушбу касалликка қарши барча чора-тадбирлар ўз вақтида ишлаб чиқилди ва тезкорлик билан амалиётга татбиқ этилди. Унинг натижасида махсус шифо масканлари ташкил этилди. Аҳоли орасида карантин чоралари кучайтирилди. Вирусни юқтириб олган беморларга ўз вақтида даво муолажалари кўрсатилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, халқимиз пандемияга қарши бир жону, бир тан бўлиб курашди. Вирус аста-секинлик билан чекина бошлади. Бу албатта, тиббиёт тизимида фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг фидойи меҳнатлари туфайли самарали кечди. Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳасига ўтказилган видеоселектор йиғилишларида бу вирус ёнимизда юрганлигини бир неча бор такрор ва такрор айтиб келмоқдалар. Бундай фикрлардан огоҳ бўлган соҳа ходимлари, қолаверса, халқимиз ҳушёрликка янада эътибор қаратмоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида апрель ойидан вирусга қарши бошланган оммавий эмлаш ишлари ҳам бундан мустасно эмас...***





**Куни кеча биз Республика санитарияэпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати – Миллий референс лабораторияси вирусология лабораторияси ва унинг SARS-CoV-2 (Covid) қўзғатувчисини аниқлаш бўлимига (лаборатория) ташриф буюрдик. Хўш, шу ўринда Сизда савол туғилиши мумкин? Нима учун биз ушбу лаборатория фаолияти билан қизиқдик? Сабаби, даволовчи шифокорлар касаллик қўзғатувчиси билан қанчалик яқин келса, лаборатория мутахассислари ҳам ўшандай хавфга эга. Чунки вируслар билан ишлаш осон кечмайди. Аввало, бу саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Республика санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати – Миллий референс лабораторияси вирусология лабораторияси вирусолог шифокори Искандар Заитов билан суҳбатда бўлдик.**

– Айтишим муҳимки, 2020 йил барча давлатлар қатори, бизга ҳам ниҳоятда оғир келди. SARS-CoV-2 пандемиясининг мамлакатимизга кириб келиши, юртимиз аҳлини хавотирга қўйди. Ушбу вирусга қарши тайёргарлик кўрилган бўлсада, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида қатъий чора-тадбирларни кучайтириш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Албатта, бу борада Президентимизнинг мазкур масалага қаратган диққат ва эътиборлари туфайли вирусга қарши бошланган ишлар ўз натижасини бера бошлади. Шу ўринда айтишим жоизки, соҳа ходимлари тезкорлик билан ўз йўналишлари бўйича фаолиятга жиддий ёндошдилар. Жумладан, Республика санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳам ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Миллий референс лабораторияси вирусология лабораторияси пандемия бошланган даврда Санитария-эпидемиология осойишталик Агентлиги биноси таркибида эди. Айни пайтда фаолият олиб бораётган биномиз 2020 йилнинг апрель-июнь ойларида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий архитектура ва қурилишга эга 4 қаватли бино. Бундай биноларда ишлаш кишига хузур бахш этади. Вирусология лабораториясининг SARS-CoV-2 (Covid) қўзғатувчисини аниқлаш бўлими бу бинода ўтган йилнинг июль ойидан иш бошлади. Бинонинг 1 ва 2-қаватлари паразитология ва бактериология лабораторияларига тегишли. 3-қават вирусология лабораториясига, 4-қават SARS-CoV-2 (Covid) қўзғатувчисини аниқлаш лабораториясига тегишли. SARS-CoV-2 (Covid) қўзғатувчисини аниқлаш лабораторияси қурилиши ва ички тузилиши амалдаги меъёрий хужжатлар талабига мос келади. Лабораторияда тоза ва зарарли худудлар фарқланади. Тоза худудда ходимлар дам олиши, ахборот коммуникация билан ишлаши, овқатланиши учун барча шароитлар яратилган. Алоҳида сан-узел, душ хоналари ходимларнинг ишдан кейин чўмилиб, тоза



бўлиб кетишини таъминлайди. Тоза худудда кўча кийимларини ечиб-киядиган хона ҳам бор. Зарарли кийимда бу худудга ўтиш қатъиян маън этилади ва бу назорат қилинади. Зарарли худуднинг таркибий қисми бир неча ишчи хоналардан иборат. Бу худуд йўлаклар ва дарчалар билан таъминланган. Биологик материал (намуналар) шу дарчалар ва йўлаклар орқали ҳаракатланади. Биологик материал бу коронавирусда оғиз-бурундан олинган суртма. Биологик материал махсус кийинган ва тайёргарликдан ўтган ходим томонидан совуқлик режимига амал қилган ҳолда сумкаларда олиб келинади. Келган материал дарчадан намуналарни қабул қилиб олиш хонасига узатилади. Қабул қилинган намуналарни лаборантлар бирма-бир кўздан кечиришади. Пробиркаларнинг бутунлигига, ичида аппликатори ва суви бор-йўқлигига, қопқоғи ёпиқлигига, тўкилмаганлигига, маркировкаси бор-йўқлигига қаралади. Шундан кейин намуналарни регистрация қилиш ва тайёрлаш хонасига узатилади. У ерда намуналар журналга ёзилади. Кейинги (экстракция) хонасида (рибонуклеин кислота) ажратиб олинади. Агар текширилаётган намунада SARS-CoV-2 (Covid-19) қўзғатувчисининг РНКси аниқланса мусбат натижа, аниқланмаса манфий натижа сифатида қайд этилади. Шу натижалар чиқадиган хона амплификация хонаси дейилади, яъни амплификатор (ПЗР) аппаратларида натижалар ўқилади. Бир хонадан иккинчи хонага ўтганда махсус кийимлар албатта алмаштирилади. Шунингдек, ходимлар бир марталик қўлқоплар, ҳимоя ойналари [шитлар], кўзойнаклар, маскалар, шапкалар, бахиллалар, халатлар ҳамда махсус кийимлар, ювувчи ва дезинфекцияловчи воситалар билан таъминланган. Ҳа, биз лаборатория ва унинг бўлимини айланиб чиқар эканмиз, у ердаги шароитлар, аппаратуралар тиббий асбоб-ускуналар ва ходимларининг фаолиятдаги жараёнларини кўриб, улар меҳнатига тан бердик. Айниқса, қатъий режим асосида амалга оширилаётган ишларига эътибор берганимизда, беихтиёр халқимиз саломатлиги ана шундай фидойи шифокорлар қўлида эканлигидан мамнун бўлдик. Тажрибали вирусолог-шифокор Искандар Заитов яна ўз фикрларини давом эттирди. – Таъкидлашим муҳимки, лабораториямиз SARS-CoV-2ни ташхислаш учун масъулдир. Лабораториямизга намуналар асосан Тошкент шаҳрининг барча туманларидан, камдан кам ҳолларда вилоятлардан олиб келинади: фақат бахсли ҳолларда ёки у ёки бу таҳлилни тасдиқлаш лозим бўлгандагина. Бизга келадиган намуналар ҳаммаси рўйхатдан ўтган бўлади, яъни биз намуналар қаердан ва кимдан олинганини билмаймиз. Уни фақат эпидемиология хизмати билади (1-қаватда). Биз фақат ташхис қўямиз ва баённома сифатида натижаларни тақдим этамиз. Фаолиятимиз Халқаро сифат стандартларига ва конфиденциалликка асосланган.

Коронавирус инфекциясига қарши курашда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари бирдек ҳаракат қилишди. Кимдир дори-дармон, кимдир тест-системалар, реактивлар, кимдир дезинфекцияловчи воситалар билан ёрдам қўлини чўзишди. Жумладан, Европа фуқаролар муҳофазаси ва гуманитар ёрдам ташкилоти(ECHO)нинг молиявий кўмагида ЮНИСЕФ катта ёрдам берди – Марказий лаборатория хизматларига зарур бўлган реактивларни тақдим қилишди. Мазкур халқаро ташкилотлардан биз жуда миннатдормиз.

Электрон манзилимиз: uzss@yandex.ru @uzssgzt

*Жараён ва натижа*

# МАҚСАД САРИ БИРЛАШДИЛАР



Коронавирус инфекциясига қарши курашда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари бирдек ҳаракат қилишди. Кимдир дори-дармон, кимдир тест-системалар, реактивлар, кимдир дезинфекцияловчи воситалар билан ёрдам қўлини чўзишди. Жумладан, Европа фуқаролар муҳофазаси ва гуманитар ёрдам ташкилоти(ECHO) нинг молиявий кўмагида ЮНИСЕФ жуда катта ёрдам берди – Марказий лаборатория хизматларига зарур бўлган реактивларни тақдим қилишди. Мазкур халқаро ташкилотлардан биз жуда миннатдормиз.

Бу тўпламларга қўшимча тарзда асбоб ускуналар олдик ва натижада ишимиз тезлиги икки баробарга ошди, бу ўз навбатида олинаётган натижаларнинг сифатини оширди. Бундай тест-системалар янада кўпроқ тақдим этилса, фаолиятлар самарадорлиги ошиб бораверади. Чунки, бундай сифатли тест-системаларга эҳтиёж ҳеч качон камаймайди. Мазкур тест-системаларда қиёсий экспериментлар ҳам ўтказиш мумкин. Ҳар бир тўплам бир вақтнинг ўзида 250 та намунани текширишга имкон беради. Халқаро ташкилотлар айнан биз ишлатаётган тест системалардан фойдаланишни тавсия қилишяпти. Бу наборлар нотўғри натижалар олишга йўл қўймайди, чунки барча пробиркалар ва ишлатиладиган материаллар битта қутичада жойлаштирилган. Сабаби, ташқари муҳит билан мулоқот бўлмайди, натижада тадқиқот сифати ошади.

Шунинг учун биз таҳлил натижаси тўғрилигига кафолат берамиз. Бу реактивлар ҳозирги вақтда эталон деб ҳисобланади ва бу бутун дунёда тан олинган, – **дейди суҳбатдошимиз Искандар Заитов.**

**Вирусология лабораториясининг яна бир врач-вирусологи Илҳом Норбоев амалдаги фаолиятларга тўхталиб ўтди:**

– Юртимизга SARS-CoV-2 вирусининг кириб келиши барчамизни ташвишга солганлиги хеч биримизга сир



***– Албатта, бу жараёнда мен ҳар бир тиббиёт ходимини қаҳрамонлар, деб биламан. Биз бир тану бир жон бўлиб, эзгу мақсад йўлида бирлашиб, халқимиз саломатлигини сақлашга, пандемияни тезкор олдини олишда катта тажрибага эга бўлдик ва самарали натижаларга эришиб келмоқдамиз!***

эмас. Шундай экан, ҳар бир тиббиёт ходими бу каби кутилмаган вазиятларга доим тайёр туриши, изланиши ва бор малакасини ишга солиб курашиши лозим. Пандемиянинг илк кунлариданоқ Давлатимиз раҳбари бу масалага жиддий эътибор қаратдилар. Кўрилган тезкор тадбирлар, шошилинч қарорлар натижасида касалликка қарши кураш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Бу борада тиббиётнинг барча йўналишлари, қолаверса кенг жамоатчилик, халқаро ташкилотлар бир мақсад сари бирлашдилар. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, биринчи навбатда вирусни аниқлаш мақсадида лаборатория фаолиятига катта эътибор қаратилди ва бу соҳа вакилларига катта масъулият юкланди. Мен пандемия бошланган кундан ПЗР лабораториясида иш фаолиятимни давом эттириб келяпман. Албатта, ишларни йўлга қўйгунча, яъни бу янги вирус бўлганлиги учун кўпгина қийинчиликларга дуч келдик. Тажрибали мутахассислар, халқаро ташкилотлар, республикамиздаги етакчи мутахассислар билан биргаликда олиб борган ҳамкорликдаги ишларимиз натижасида лаборатория диагностикасини ўзлаштириб олдик. Аввалида, мутахассислар етишмовчилиги сезилди. Давлатимиз ва раҳбариятимиз томонидан яратиб берилган шароитлар туфайли тез орада Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошида ПЗР лабораторияси диагностикасини олиб борадиган мутахассисларни тайёрлаш бўйича онлайн тарзда ўқув семинарлари олиб борилди. Амалиётэса лабораториямизда амалга



оширилди. Шу тариқа вируснни эрта аниқлаш ва ташхислашда катта тажрибага эга бўлдик. Хорижий давлатларнинг етук мутахассислари билан масофадан туриб диагностика маслаҳатлашувларини ўтказдик. ПЗР текширувини амалга оширувчи лабораторияларимиз кўлами ва имкониятлари кенгайтирилди. Эътироф этмоқчиманки, замонавий бинога эга бўлган янги аппаратуралар ва



тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториямиз ва малакали мутахассисларимиз фаолияти ривожланган давлатлардан кам бўлмаган тарзда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера олади. Намуналар лабораториямизга асосан Тошкент шаҳар туманлари санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари томонидан олиб келинади, улар беморлардан, оилавий ўчоқлардан, бемор билан мулоқотдагилардан, ихтиёрий топширувчилардан, ташкилот ва идоралардан, тиббий кўрикдан ўтаётганлардан олинган намуналардир. Таҳлиллар натижаси узоғи билан 6 соатда тайёр бўлади. Албатта, ЮНИСЕФ томонидан РНК (рибонуклеин кислота) ни ажратищда қўлланиладиган реактивлардан кенг фойдаланилмоқда. Бу жараёнлар биргина бизнинг лабораториямизда эмас, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам олиб борилмоқда. Пандемияга қарши ўтказилаётган чора-тадбирлар давом этмоқда, касалликка нисбатан эътиборсиз бўлмаслигимиз керак.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, лабораториянинг тоза ва зарарли ҳудудларини кузатар эканмиз, қатъий режим асосида фаолият олиб бораётган ходимлар меҳнатига эътибор қаратдик. Улар замонавий тиббий асбоб-усканаларда махсус кийимларда жараёнларни амалга ошираётганликларини гувоҳи бўлдик. У ердаги фаолиятларнинг ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Юқорида таъкидлаганимиздек, вируслар билан ишлаш осон кечмайди.**

**Меҳнати таҳсинга лойиқ бўлган мазкур лаборатория ходимларининг халқимиз саломатлиги йўлидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз.**

**Ибодат СОАТОВА.**

**Суратлар:**
**©UNICEF Uzbekistan /2021/Usova**



*Тадбир*

# БОЛАЛАРИМИЗНИ ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРДАН АСРАЙЛИК

**Республикамизда энг кенг тарқалган хасталиклардан бири гижжа касалликлари ҳисобланади. Ҳар йили 200 мингдан ортиқ беморлар лаборатория йўли билан аниқланади. Шулардан 90 фоизини болалар ташкил қилади. Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларни ичак гельминтозлари (асосан энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, трихоцефалёз) билан зарарланиш кўрсаткичи 97-99 фоизни ташкил этади.**



Гельминтозлар одамнинг амалда ҳамма органлари ва тўқималарини зарарлаши мумкин. Лекин кўп ҳолларда ичак, ўпка ва жигар тўқималарини зарарлантиради. Гельминтлар организмда сенсибилизация қўзғатиб, кейин аллергик реакцияларни ривожлантиради, кичи органлари ва тўқималарини механик шикастлантиради ва уларнинг фаолиятини бузади. Улар озиқ-овқат моддалари, витаминлар ва минерал моддаларнинг сўрилишини ёмонлаштиради, камқонликни ривожланишига сабаб бўлади, юқумли касалликларнинг кечишини оғирлаштиради ва уларга қарши эмлашнинг самарадорлигини пасайтиради. Гижжалар болаларнинг жисмоний ривожланишини сусайтиради, иш қобилияти ва ақлий фаолиятига таъсир қилиши исботланган. Гельминтозлар билан касалланиш даражасини юқорилигини асосий сабаби аҳолининг тиббий маданиятини етарли эмаслиги, ижтимоий-маиший шароитларини (тоза ичимлик суви билан таъминланиши, санитария талабига жавоб берадиган ҳожатхоналар) талаб даражасида эмаслиги ҳисобланади. Гижжа касалликларининг олдини олишнинг асосий йўли бу даврий равишда гижжаларга қарши препаратлари билан даволаш ишларини олиб бориш. Бу тадбир ўз навбатида болалар ўртасида касалланишни камайишига олиб келади. Дегельминтизация тадбирлари инсон саломатлигини мустаҳкамлайди ва озиқ-овқат моддаларини организмда сўрилишини яхшилайди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) болалар соғлигини мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат моддаларини организмда сўрилишини яхшилаш мақсадида оммавий дегельминтизация тадбирларини ўтказилишини таклиф этади. Болаларни гижжа касаллиги билан зарарланиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлган уюшган жамоаларда барча болаларни 100 фоиз бир марта, 50 фоиздан юқори бўлганда эса 2 марта дегельминтизация қилиниши лозимлиги ЖССТ томонидан таклиф этилган. ЖССТ томонидан оммавий дегельминтизация тадбирларини ўтказиш учун гижжаларга қарши дори воситалари билан таъминлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида 2-10 ёшдаги болаларнинг соғлигини яхшилаш ҳамда республикада ўрта таълим муассасаларидаги болалар ўртасида ичак гельминтози билан касалланишни камайтириш мақсадида жорий йилнинг **19-24 апрель кунлари 2-10 ёшдаги болаларга ҳамда зарарланиши юқори бўлган мактабларда 15 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларга Альбендозол 400 мг, 2-10 ёшдаги болаларга Мебендазол 500 мг дори воситасини тарқатиш орқали оммавий дегельминтизациянинг 1-турини ўтказиш режалаштирилган. Дегельминтизациянинг 2-турини эса 2021 йилнинг куз ойларида ўтказиш кўзда тутилмоқда.** Оммавий дегельминтизация тадбирлари ЖССТ, «AmeriCares» Халқаро ташкилоти орқали "Соғлом авлод учун" Халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ҳомийлигида ўтказилади. Оммавий дегельминтизация тадбирларига тиббиёт ходимлари билан бир қаторда умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотларининг масъул ходимлари ҳам жалб этилади. Дегельминтизация тадбирларини самарадорлигини аниқлаш мақсадида касалланиш даражаси юқори бўлган мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари танлов асосида тадбирни ўтказилишидан олдин ва кейин ўтказилади. Олдинги йилларда ўтказилган дегельминтизация тадбирларини натижаси шуни кўрсатдики, даволаш ишлари ўтказилгандан сўнг болалар ўртасида касалланиш даражаси 3-4 мартага камайишига эришилди.

Оммавий дегельминтизация тадбирларини ўтказилиши гижжа касаллиги билан касалланиш даражаси, уни тарқалишини камайиши ҳамда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борилиши касалликни қайта юқишининг олдини олади.

**Бундай тадбирларни мунтазам равишда ўтказилиши болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларни жисмонан бақувват ва ақлан етук бўлиб ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.**

**Инна ТЁ,**
**Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати инфекцион ва паразитар касалликлар бўлими бош мутахассиси.**

*Акция*

# ҚАЛБЛАРИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

**"Кўнгил кўзи" акцияси доирасида вилоят кўз касалликлари шифохонасида Қарши шаҳридаги 18-махсус мактаб-интернатнинг бир гуруҳ ўқувчилари малакали мутахассислар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, жарроҳлик амалиётлари учун сараланган ва айримларида операциялар муваффақиятли тарзда амалга оширилгани ҳақида илгари хабар берган эдик. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида ана шундай болаларнинг яна 15 нафарида жарроҳлик амалиётлари ташкил этилди.**



*-Бемор болалар, уларнинг яқинлари, мактабдаги тарбиячилари ҳамда икки нафар шифокордан иборат жами 25 кишилик гуруҳнинг пойтахтга поездда бориб-келиши, тиббиёт марказидаги харажатлар акция ташкилотчилари томонидан қопланди,* **- дейди вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Иброҳим Очилов.** – Операциялар марказ раҳбари, профессор Азамат Юсупов назоратида ташкил этилди. Айни пайтда болаларнинг саломатликлари яхши. Улар уйларида шифокорларимиз назоратига олинган.



*-Ўғлим, Қарши шаҳридаги 18-махсус мактаб-интернатнинг 2-синф ўқувчиси Исломбек туғма катаракта сабабли ўзгалар кўмагисиз юра олмас эди,* **- дейди Қарши шаҳри Наво маҳалласида истиқомат қиладиган Фарида Бердиева.** – Пойтахтдаги марказда икки кўзи ҳам замонавий ускуналар орқали мураккаб операция қилинди. Ҳозир атрофни озроқ бўлса-да, кўриб, ўзи мустақил юра олади. Икки ойдан сўнг яна олиб келишимизни айтишди. Уч кун давомида бизга шунча шароитларни яратиб берган ташкилотчиларга, қўли енгил ва моҳир шифокорларимизга катта раҳмат айтамиз.

**Акция доирасидаги операциялар яна давом этади.**

**Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.**

# ZF-UZ-VAC2001 ВАКЦИНАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси SARS-CoV2 (RBD)нинг S оқсилни боғловчи доменга йўналтирилган бўлиб, RBD оқсилининг рекомбинант экспресияси орқали одамларда нейтраллаштирувчи антитаначаларни келтириб чиқаради ва SARS-CoV2ни хўжайин хужайра юзасида ACE2 рецептори билан боғланишини блоклайди ва инфекциянинг олдини олади.**

Рекомбинант оқсил суббирликларига асосланган вакцина кафолатланган биохавфсиз вируслни нуклеин кислоталарнинг компонентларини ўз ичига олмайди. Вакцинани яратишда анъанавий мономерли RBD билан таққослаганда иммуногенликни сезиларли даражада оширадиган димерли RBD нойё патентланган технологиясидан фойдаланилган.

Махсус антигенни экспресия қилиш учун генларни рекомбинация қилиш технологияси – гепатит В ва Е, папиллома, герпес билан боғлиқ ва бошқаларга қарши вацинаылар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган технологиядир. Ушбу технология сабабли бошқа коронавирусли вацинаалардан фарқли ўлароқ, ZF-UZ-VAC2001 препаратини одатдаги совутгич камераларида қулай тарзда сақлаш ва ташиш мумкин.

**У ўта паст ҳарорат шароитларини талаб қилмайди. Тавсия этилган ҳарорат оралиғи 2-8°С бўлиб, икки йилгача сақланиши мумкин.**

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

*Жараён*

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Республикамизнинг барча ҳудудларида эмлаш жараёнлари қизғин тарзда кечмоқда. Хоразм вилоятида коронавирусга қарши эмлаш жараёнлари қандай бормоқда?**

*– Хоразм вилоятида ҳам эмлаш жараёнлари қизғин тарзда кечмоқда,* **– дейди Урганч шаҳар 1-оилавий поликлиника бош шифокори Муборак Абдуллаева.** – Маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ҳозирги кунгача эмланганлар ўртасида ножўя таъсири кузатилмади. Албатта эмланганларни назорат қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Ножўя таъсирлар бўлмаганлиги ва асосийси соғликларини ҳимоя қилишни мақсад қилган фуқаролар ўзлари хоҳлаган ҳолда эмлаш учун келишмоқда. Шу ўринда вакцинадар иммунитет тизимини мустаҳкамлаб, юқумли касаллик тарқатувчи вирусларга қарши курашишда иштирок этишини, биз эмлаш орқали нафақат ўзимиз, балки атрофимиздагиларни ҳам ҳимоя қилишимизни таъкидлаш жоиз.

*Исследование*

# ДУМАЮТ, ЧТО СПРАВИЛИСЬ С КОРОНАВИРУСОМ БЕЗ СИМПТОМОВ, А НА САМОМ ДЕЛЕ ПЕРЕНЕСЛИ «ЖЕЛУДОЧНЫЙ КОВИД»

**Живые микроорганизмы в желудке погибают — их убивает соляная кислота. Тогда почему развивается так называемый «желудочный ковид»? Как определить, пострадал ли из-за коронавируса желудочно-кишечный тракт и можно ли его защитить, «Доктору Питеру» рассказала Юлия Коковина, к.м.н., ассистент кафедры гастроэнтерологии СЗГМУ им. Мечникова.**

**- Юлия Владимировна, когда человек заболевает ковидом, участковые терапевты, можно сказать, не придают значения жалобам на боли в животе. Но пациентов они пугают, тем более что возникают чаще всего ночью. А гастроэнтеролога на дом не вызовешь.**



- Не придают значения, вероятно, потому что озвученные с начала эпидемии «классические» симптомы совсем другие: температура, кашель, одышка. Но действительно, во вторую волну желудочно-кишечные проявления ковида стали встречаться намного чаще. И пациенты жалуются на них гастроэнтерологу, когда уже переболели. Сообщают, например, о том, что у них был один день поноса, а больше - никаких проявлений, но спустя время сдавали анализ на антитела к коронавирусу, и они обнаруживались. Или когда появлялись симптомы расстройства ЖКТ без других проявлений инфицирования коронавирусом, они тут же делали мазок из носоглотки, и исследование ПЦР давало положительный результат. А если при таких жалобах пациент не делал анализ ПЦР, мы сами просили через 50-60 дней после болезни сделать анализ на антитела, и получали хороший титр IgG.

Есть другая проблема: многие, у кого выявлены антитела IgG, думают, что перенесли ковид бессимптомно. Хотя на самом деле симптомы были, но их списывают на обострение хронического гастрита: «Съел что-то не то». Они через неделю исчезают, и человек забывает о них.

**– Какие это симптомы?**

Узнать больше

- Чаще всего это, как при язвенной болезни, ночные боли, часто схваткообразные. Но они могут возникать также после еды или спонтанно, в любое время. Локализуются в эпигастральной области — над пупком. Может возникать послабление стула — без слизи и крови, как правило. Причем он может восстановиться на следующий день. Пока непонятно, можно ли считать симптомом тошноту (без рвоты), потому что она может быть обусловлена и повышенным давлением, которое часто возникает при ковиде. У страдающих желчнокаменной (мочекаменной тоже) болезнью коронавирус может вызывать обострения с болевыми приступами. И во время пандемии, кстати, выросло число экстренных удалений желчного пузыря.

Другие симптомы: стало больше рефлюксов — кислотно-желчных забросов в пищевод. Изжога усиливается. Раньше человек мог ее купировать ингибиторами протонной помпы, то теперь надо подбирать другие препараты и дозы. А самое характерное — вздутие живота и газообразование (метеоризм). Но надо оговориться, что скорее всего, причина не только в присоединении инфекции к ЖКТ, а еще и в стрессе. Вероятно, в будущем мы уже будем говорить о разных формах ковида, которые проявляются по принципу «где тонко, там и рвется».

**- Зона ответственности гастроэнтерологов — не один орган, а несколько, какой из них страдает больше всего?**

- 12-перстная кишка больше всего оказалась вовлеченной в ковидный процесс, хотя эрозивные заболевания желудка и пищевода тоже проявляются. Мы видим, что еще полтора года назад такого количества поражений 12-перстной кишки, вплоть до изъязвления, не было. И в зарубежных работах показано, что ковид атакует тонкий кишечник, а 12-перстная кишка его часть.

Речь идет в основном о тех, кто страдал прежде заболеваниями ЖКТ. Но если у человека диагностировали, например, заболевания пищевода, то теперь больше страдает 12-перстная кишка. Вероятно, теория о том, что вирус присаживается там, где «тонко», верна. А учитывая, что проблемы с желудочно-кишечным трактом так или иначе есть у всех (статистика говорит о 85 %, но думаю, что оставшиеся 15% просто не обследовались), многие оказались в группе риска.



Гастроэнтерологи говорят, что на их многочисленные органы самое большое влияние оказывают стресс, режим питания и диета.

- Проблемы ЖКТ давно связывают со стрессом. Но есть и теория, объясняющая степень влияния коронавируса на ЖКТ при стрессе. Она отчасти объясняет то, что «желудочный ковид» стал чаще проявляться во вторую волну, когда организм «устал» жить в стрессе за год пандемии.

Понятно, что когда человек болеет, ему не хочется есть, зато он принимает много лекарств, в том числе антибиотиков, НПВС. На этом фоне появляются дисбактериологические изменения в кишечнике, страдает печень. Тут надо помнить, что проблемы с ЖКТ — необязательно влияние ковида, а еще и последствия его лечения: влияния на него назначенных препаратов.

**- Если были какие-то проблемы с ЖКТ, когда у человека выявили коронавирус (независимо от тяжести перенесенной болезни), надо ли ему делать ФГДС (фиброгастродуаденоскопию) чтобы понять, что это была желудочная форма?**

- Сомневаюсь, что многие захотят сделать ФГДС, если их уже ничего не беспокоит, процедура не из приятных. Но у нас были и такие пациенты, и те, что выполняли это исследование в рамках диспансерного наблюдения. Мы находили бессимптомные эрозии. Но такое бывало и до ковида, потому что у каждого свой болевой порог: один гастрит переносит тяжело, у другого с язвой живот не болит. Кроме того, мы помним, что проблемы с желудком могут возникать и у тех, кто переносит ковид тяжело: во-первых, когда человек температурит, при любом заболевании, есть не хочется, нарушается режим питания, не говоря уже о соблюдении диеты, когда начинается аносмия и нарушается сон (уже установленные неврологические проявления ковида). Плюс множество разных лекарств. То есть, ЖКТ в любом случае страдает, даже если это не «желудочный ковид». После перенесенной болезни многие приходят с уже зарубцованными эрозиями — утолщение слизистой говорит о том, что они в стадии эпителизации. Но считать гастрит, в том числе эрозивный, результатом перенесенного «желудочного ковида» я бы не стала. А вот дуоденит — воспаление 12-перстной кишки – более информативен в этом смысле, по нему уже стоит ориентироваться и делать выводы.

**- Считается, что соляная кислота, содержащаяся в желудочном соке, убивает любой микроорганизм, в том числе вирус, который проникает в желудок. Почему коронавирусу она не страшна, а клетки слизистой ЖКТ оказались восприимчивы к коронавирусу не меньше, чем легкие?**

- У человека с нормальной и высокой кислотностью, скорее всего, желудочная форма ковида не разовьется. В группе риска — страдающие гастритом с пониженной кислотностью. Или те, кто принимает препараты, понижающие секрецию кислоты (ингибиторы протонной помпы, например) - они «опускают» кислотность до уровня нормы и ниже. А соляная кислота в низкой концентрации не защитит от патогенных микробов. И тогда коронавирус, который тропен к клеткам слизистой желудка и кишечника, легко в них проникает.

**- Почти в самом начале эпидемии, еще в Китае было установлено, что блокирование всех трех рецепторов, отвечающих за секрецию кислоты в желудке, с помощью ИПП не облегчает течение ковида, а при блокировании одного рецептора течение болезни не просто облегчается, предупреждаются ее осложнения.**

- Да, в зарубежных исследованиях показано, что при проблемах с ЖКТ и для снижения кислотности в период пандемии лучше назначать блокаторы Н2-гистаминовых рецепторов («Квамател», «Фамотидин»). С одной стороны, они действуют только на один рецептор, то есть не гасят продукцию соляной кислоты тотально, как это делают ингибиторы протонной помпы. А значит, дают возможность желудку предупреждать заражение — убивать вирусы, которые в него попадают. С другой, подавление Н2-гистаминовых рецепторов имеет дополнительный эффект — уменьшает иммунный ответ, что теоретически может предупреждать опасное осложнение ковида — цитокиновый шторм.

**- Как восстановиться человеку, у которого пострадал ЖКТ, неважно, от ковида или от его лечения?**

- Уже во время болезни надо увеличить дозу ингибиторов протонной помпы, если он принимал их до заражения. После болезни нужно сделать биохимический анализ крови — выяснить, не повышены ли основные показатели ферментов печени (АЛТ, АСТ). В случае повышения, надо принимать препараты, улучшающие ее функции. Необходима копрограмма, чтобы понять насколько пострадала микрофлора. И принимать препараты (пре- и пробиотики), восстанавливающие ее. И еще очень важно контролировать психологическое состояние – ни до, ни во время, ни после болезни не впадать в психоз, это провоцирует заболевания всех органов — от головы до прямой кишки.

**Doctorpiter.ru.**

*Сўраган эдингиз*

# РЎЗАДОР ОДАМ ЭМЛАНИШИ МУМКИНМИ?

***Маълумки, юртимизда коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари рамазон ойига тўғри келмоқда. Фуқароларда эса рўза тутган ҳолда ҳам эмланиш мумкинми?***



— Рўзадор одамда қисман жисман толиқиш бўлади. Шундай ҳолатда ҳам вакцина қабул қилиш керакми? Рўза тутишда белгиланган талаб ва амалларни ўрганиб чиқсак, имкон қадар бемор одамлар ўз саломатликларини оғирлаштирмасликлари учун айрим касалликларда рўза тутмасликлари тавсия этилади. Бундай ҳолатларда, эмлаш жараёнига таклиф этилган бўлсангиз ва шифокор кўрувида касалликнинг ўткир ҳолати ёки авж олган даври кечаётгани аён бўлса, бу фуқаролар эмланмайдилар. Саломатлик кўрсаткичлари меъёрида бўлиб, ўзини соғлом деб ҳис қилган фуқаро рўзадор бўлиб, эмлашга таклиф этилган бўлсалар, шифокор уларни ҳолатларини ўрганиб чиқиб хулоса қилади. Бунда фуқаро саломатлиги соғлом деб баҳоланиб, эмлаш тавсия этилган бўлса, унда эмлашдан кейинги даврда – шифокор билан боғланиб туришлари керак. Сабаби турли инсонлар организмининг вакцинага реакцияси турли хил бўлади. Шу боис, эмлаш олганлар шифокор тавсияларини бажаришлари талаб этилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, инсонлар рўзаларини бузмай туриб ҳам эмланиш орқали организмда коронавирус инфекциясига қарши иммунитет ҳосил қилишлари мумкин.

**Ўрни келганда айтиш лозимки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати дунё уламолари хулосасига асосланиб, коронавирусга қарши эмлаш тери ости ва мушакка қилинадиган уколлардан бири бўлганлиги, бунинг устига озиқлантирувчи эмаслигини инобатга олган ҳолда вакцина олиш жоиз экани, бу иш рўзани бузмаслиги бўйича баёнот берган.**

**Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси.**

*Дил изҳори*

# БАХТИМИЗГА ДОИМО ОМОН БЎЛИНГ!

*Тошкент вилояти Оққўрғон туманининг "Навбаҳор" маҳалласида истиқомат қиламан. Кўп йиллар давомида хўжалик ва фермерлар пахта далаларида ишлаб 10 нафар фарзандларимни вояга етказдим. Кейинги пайтларда аҳволим оғирлашиб, жигар циррози касаллигига муфтало бўлган эдим. Туманда даволанишнинг иложи бўлмагач, пойтахтимиздаги В. Воҳидов номидаги Республика хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилдим. Бу ерда мени шифохонада врачлари очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Лекин текин даволанишим учун улар мендан имтиёзли йўлланма сўрашди. Қўлимда ордерим бўлмасада, марказ шифокорлари соғлигимни инобатга олган ҳолда тезлик билан жарроҳлик амалиётини амалга оширишди. Уларнинг масъулияти ва машаққатли меҳнатлари туфайли ҳаётим сақлаб қолинди. Саломатлигимни янада тиклаш мақсадида туманимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатимиз Зуҳра Турсуновнага мурожаат қилдим. Ариза берган кундан бошлаб у менга моддий ва амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилди. Шунингдек, депутатимиз Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Иноятовга махсус хат билан чиқди. Ва имтиёзли йўлланма берилди. Кундан-кунга саломатлигим яхшиланиб, оилам бағрида фаровон ҳаёт кечирмоқдаман. Менинг соғлигим учун ўз меҳнатларини аямаган депутатимиз Зуҳра Турсуновна ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тиббиёт марказининг малакали мутахассисларига оиламиз номидан чексиз миннатдорлигимни билдираман. Уларга узоқ умр, оилавий хотиржамлик, масъулиятли ва шарафли ишларига омадлар тилайман.*

**Раъно ТЎХТАЕВА.**
**Тошкент вилояти Оққўрғон тумани.**

*Вы должны знать*

# ОПРЕДЕЛЕННЫЙ ТИП УФ-ИЗЛУЧЕНИЯ СПАСАЕТ ОТ КОРОНАВИРУСА

**Эдинбургский университет, передает "Новости Mail.RU", выяснил: в регионах с большим количеством солнечного света меньше людей умирает от коронавируса.**

Положительный эффект связали с определенным типом УФ-излучения. В рамках исследования ученые фиксировали смерти вследствие осложнений COVID-19 в США с января по апрель 2020 года. Также регистрировались УФ-уровни за тот же период.



Оказалось, люди, жившие в районах с самым высоким уровнем воздействия ультрафиолета типа A (UVA), составляющего 95% солнечного УФ-излучения, имели более низкий риск смерти от COVID-19 по сравнению с людьми, живущими в местах с более низким уровнем UVA. Аналогичные результаты были получены и при анализе статистики из Британии и Италии.

По словам ученых, выявленную закономерность нельзя объяснить более высоким уровнем витамина D в организме - этот витамин вырабатывается под воздействием УФ-излучения типа B (UVB). Есть другая теория: солнечный свет заставляет кожу выделять оксид азота, который ослабляет способность вируса к репликации.

*К Вашему здоровье*

# СВЕЖИЙ ЛУК МОЖЕТ ПОТЯГАТЬСЯ В ПОЛЬЗЕ С ЭКЗОТИЧЕСКИМИ СУПЕРПРОДУКТАМИ

***К.м.н., врач-диетолог, доцент медицинского факультета Санкт-Петербургского государственного университета Андрей Бобровский предлагает обратить внимание на обычный лук. По его словам, это настоящий суперпродукт.***



"Недаром на Руси говорили "лук - от семи недуг". Насыщенность лука витаминами, микроэлементами, фитонцидами позволяет утверждать, что это уникальный продукт по своей пользе, суперфуд. Это и поддержка иммунитета, и благотворное влияние на систему пищеварения, и на сердечно-сосудистую систему. За счет оптимального сочетания витаминов и микроэлементов лук поддерживает работу нашего сердца. Плюс благотворно влияет на нервную систему. Кроме того, лук может оптимизировать, активизировать работу головного мозга", - комментирует эксперт.

Андрей Бобровский отмечает, что лук прекрасно сочетается с овощами и зерновыми, однако отдавать предпочтение все же стоит свежему луку. Термическая обработка лишает его большинства полезных свойств. Несмотря на всестороннюю пользу лука, некоторым людям он противопоказан.

"Фитонциды, которые содержатся в луке, способны раздражать стенки желудка, пищевода, поэтому здесь могут быть противопоказания. При отсутствии воспалений со стороны ЖКТ, в первую очередь гастрита, лук можно есть каждый день", - поясняет диетолог.

**По материалам Интернета.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 873 нусха.
Буюртма Г-440

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 18.00 1 2 3 4 5 6